Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 23 апрель • сешанба № 16 (856)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Эртага — Халқаро ёшлар бирдамлиги куни

Ислом КАРИМОВ:

"Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир".

Ўзбекистонлик ёшларга дунё ҳавас қилмоқда

ЖАҲОН тажрибасидан маълумки, кўпгина ривожланган давлатлар тараққиёт даражасига таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, яъни бу борада ўзлари яратган "миллий модел" орқали эришганлар. Шу нуқтаи назардан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Халқимизга хос бўлган фарзандлар келажаги, ёруғ истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилиш, улуғ аждодларимизга муносиб баркамол инсонни тарбиялаб етиштириш мақсади ва масъулияти билан яшаш давлат ва жамиятимизнинг энг устувор вазифасига айланди.

Давлатимиз томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик қаторида, юртимиз фарзандларининг билимга чанқоқлиги, салоҳият ва ақл-заковати дунё ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Жумладан, 2011 йил декабрда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуман иштирокчиларидан бири испаниялик мутахассис Росарио Де Ла Круз Лопес бу борада шундай деган эди: **"...ўқувчи-талабаларнинг билим оламан, илм ўрганаман, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиб етишаман, деган интилишларини уларнинг юзкўзидан уқиб олиш қийин эмас. Бундай ёшлар шак-шубҳасиз, таълим масканларидан Ўзбекистоннинг буюк келажагига учирма бўлиши тайин"**. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг юрт шаъни учун фидойи, илму фанга чанқоқ, бутун дунёга танилган, интеллектуал салоҳияти юксак фарзандлари бор. Замонавий шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олган ва олаётган ўғил-қизларнинг истеъдоди ва салоҳияти, маънавий камолоти, юксак билим ва заковатларига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Маълумки, соғлом авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги **"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"**ги ва 2004 йил 29 августдаги **"Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонлари эзгу ният йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз фарзандларини жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида йўлга қўйилган уч босқичли спорт мусобақалари ўз мазмунмоҳияти билан бошқа давлат спорт йўналишларидан фарқ қилади. Масалан, мактаб ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари", коллеж ва академик лицейларда "Баркамол авлод", олий ўқув юртларида эса "Универсиада" мусобақалари ёш авлоднинг барча вакилларини қамраб олган. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли мусобақаларда тобланган ўзбекистонлик ёшлар халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, олимпиада ўйинларида иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқда.

Мамлакатимизда қобилиятли ўғил-қизларнинг ютуқларини ҳар томонлама рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, уларни фаол яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги **"Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"**ги қарори асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, олий ўқув юртида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Президенти давлат стипендияси ва Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий номидаги давлат стипендиялари жорий қилиниб, давлат бюджетидан катта маблағ ажратилмоқда. Шунингдек, иқтидорли, истеъдодли ҳамда аъло ҳулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида ибрат намунасини кўрсатаётган қизлар адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида улкан ютуқлари учун "Зулфия" номидаги давлат мукофоти билан тақдирланиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ўзбекистонлик ёшларга дунёнинг кўпгина давлатлари, ҳатто, ривожланган Европа мамлакатларининг ёшлари ҳам ҳавас қилмоқда. Халқаро майдонда ҳур Ўзбекистонимизнинг тутган ўрни ва обрўси кундан-кунга ошиб бораётганлиги барча ўзбекистонлик ёшлар қалбида фахр-ифтихор уйғотиб, шу буюк ва муқаддас заминга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

Азиза САЛАЕВА,
ТДЮИ магистранти

Дунё эътирофи

Дипломатия корпусининг раҳбарлари

Ўзбекистон қишлоқларидаги ўзгаришларни юқори баҳолашмоқда

"Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция хорижлик экспертлар, ушбу соҳа мутахассислари ва олимларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур анжуманда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан, БМТ, Ислом тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, МДҲ сингари халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг қарийб 250 нафар вакили иштирок этди. Тошкентда аккредитациядан ўтган диломатия корпусининг раҳбарлари "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ушбу халқаро анжумандаги нутқи ҳамда мамлакатимиз қишлоқларида рўй бераётган уй-жой қурилиши кўламларидан орттирган ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

Жордж КРОЛ,

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Бўлиб ўтган конференция Ўзбекистонда қишлоқларни ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартириш бўйича эришилган ютуқ ва муваффақиятлар эътирофининг тасдиғи ҳисобланади.

Мамлакатингиз мустақил ривожланиш йиллари давомида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш йўлида катта муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистоннинг қайси бир вилояти ёхуд минтақасига бормай, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга, жумладан, янги иш ўринлари яратилиб, замонавий уй-жойлар қурилаётганига, фермер хўжаликлари ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман.

Бир неча ҳафта илгари намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уй-жойларни бориб кўрдим. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, барча қулайликлар яратилган ана шундай уйлар менга жуда ёқди. Шу билан бирга, у ерларда таълим, тиббиёт, савдо муассасалари ва мажмуалари, маиший хизмат марказлари, болалар спорт майдончаларини кўрасиз. Улар Ўзбекистоннинг замонавий жамиятини ва иқтисодиётининг тараққиётини намоён қилади.

Франсуа ГОТЬЕ,

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини диққат билан тингладим. Шуни айтишни истар эдимки, мамлакатда Президент раҳбарлиги остида, энг аввало, халқнинг фаровонлиги ва равнақини таъминлашга йўналтирилган изчил ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ҳаққоний равишда қайд этганидек, қишлоқда тегишли инфратизимга эга бўлган янги замонавий уй-жойларнинг қурилиши қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшлар учун янги иш жойларини яратишга имкон беради, ҳам миллий, ҳам хорижий сармоялар жалб этилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон вилоятларига сафарим чоғида қишлоқларда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига ўзим амин бўлдим. Бунёд этилган уй-жойлар жуда чиройли, замонавий қиёфа касб этгани ҳолда барча халқаро меъёрларга жавоб беради. Французларда шундай мақол бор: агар одамлар қурилиш қилаётган экан, демак ҳаммаси жойида.

Чжан СЯО,

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистон раҳбарининг конференциядаги нутқи хорижлик иштирокчилар ўртасида катта акс-садо берди. Чунки қишлоқ туманларида инфратизимни ривожлантириш ва ободонлаштириш, шунингдек, турмуш кечириш учун қулай муҳит яратиш дунёнинг кўпгина мамлакатларида тараққиётнинг устувор масалаларидан бири ҳисобланади.

Шуни қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Сўнгги йиллар мобайнида қишлоқ жойларда қурилган минг-минглаб замонавий уй-жойлар аҳолининг турмуш кечириш даражасини сезиларли оширади.

Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ободонлаштиришга, аҳолининг ҳаёт кечириши сифатини яхшилашга бўлган тизимли ёндашув, умуман олганда, мамлакат ҳар бир фуқароси манфаатлари йўлида стратегик тараққиёт йўлининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди.

"Жаҳон" АА

Томчида турмуш тарзи

"Очиқ эшиклар" куни ўтказилди

ТОШКЕНТ давлат юридик институтида Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи кафедраси ҳамда институт қошидаги академик лицей, Тошкент юридик коллежи, 2-Тошкент юридик коллежи ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси доирасида "Очиқ эшиклар" куни ташкил этилди, — деб ёзади **ТДЮИ доценти Хуршида Бурхонхўжаева**.

Ўтказилган тадбирда ТДЮИ қошидаги академик лицей, ТЮК ва 2-ТЮК битирувчилари, профессор-ўқитувчилар, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, унинг туман бўлимлари масъул ходимлари бугунги ёшларга яратилаётган имкониятлар борасида фикр билдиришди. Тадбир иштирокчилари институтнинг ўқув жараёни, ахборот-ресурс маркази талабаларнинг дарс ва дарсдан ташқари фаолиятлари, шунингдек, ТДЮИ қошидаги юридик клиника, япон маркази билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

Хизмат турлари кўпаймоқда

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҳузуридаги **"Ўзархив"** агентлиги Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда **"Архив масалаларида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг турларини кенгайтириш истиқболлари тўғрисида"** матбуот анжумани ташкил этди.

Бугунги кунда республикамизда жами **102 та** давлат архиви фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда сақланаётган Миллий архив фонди ҳужжатлари **8,5 миллион** сақлов бирлигига етган.

Аҳолига фуқароларнинг шажаравий изланиш ва исм-шариф тўғрисидаги ёрлиқларни тарихий маълумотлар асосида тайёрлаб бериш ишларини амалга ошириш учун республика Марказий давлат архиви шуғулланаётгани таъкидланди, — деб ёзади **таҳририят ходими Шаҳноза Шукурова**.

Табиат муҳофазасига бағишланди

МИЛЛИЙ матбуот марказида **"Eko Olam"** журнали ва **"Eko Olam Press"** газетаси бирлашган таҳририяти "Оламни асраш — одамни асраш" мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда табиатни асраб-авайлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инсоният учун глобал муаммога айланиб улгургани ҳамда мамлакатимизда биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, флора ва фаунани муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилганлигига алоҳида урғу берилди.

Француз тили ҳафталиги

ПОЙТАХТИМИЗДА Халқаро франкофония ташкилоти ташаббуси билан француз тили кунлари ўтказилди. Унда иштирок этган ўзбекистонлик талабалар, ўқитувчилар ва жамоатчилик вакиллари тўртта танловда қатнашиб, биринчи ўринни олганлар Франсияга саёҳат учун йўлланмага эга бўлдилар. Иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига турли эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Франсуа Готье Франция таълим вазири номидан икки нафар ўзбекистонлик ўқитувчини — тошкентлик Светлана Динник ва самарқандлик Дмитрий Киселёвни француз тили ривожига қўшган ҳиссалари учун "Академик пальма" ордени билан тақдирлади.

100 қисмли телесериал

РЕЖИССЁР Андрей Африн "Ҳаёт поғоналари" номли 100 қисмдан иборат телесериални суратга олмоқда. Илк бор конвейер услубида, яъни жонли овозда ёзиб олинадиган кинолойиҳанинг ҳар ҳафта иккита қисми тайёрланиши кўзда тутилган.

Ушбу телесериал "Тошкент" телеканали орқали намойиш этилади.

Хабарларни "Инсон ва қонун" мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.

"INSON va QONUN" ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH" ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами" расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUz online
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33
website: www.lex.uz

Долзарб мавзу

Ҳуқуқий эксперимент: Қонун ижодкорлигининг демократик усули

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлар доктори, профессор Акмал САИДОВ билан суҳбат

2013 ЙИЛ 20 мартда Президентимиз томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларини тажрибадан ўтказиш бўйича ҳуқуқий экспериментни ташкил этишга йўналтирилган Фармойиш қабул қилинди.

ФАРМОЙИШ юзасидан жорий йил мобайнида ҳуқуқий эксперимент ўтказиладиган ҳудудий-маъмурий бирликлар сифатида Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳуқуқий эксперимент субъектлари этиб белгиланди. Мазкур ҳуқуқий эксперимент мазмун-моҳияти билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги томонидан тайёрланган мулоқотни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗ **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий амалиёт томонидан талаб этилган 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқди, — деди А.Саидов. — Уларнинг қабул қилиниши очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ўзбекистоннинг изчил, тадрижий ва барқарор ривожланишини, ҳаолининг турмуш шароити янада яхшиланишини таъминлайди, мамлакатимизга жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Концепцияда фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда ва қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжати сифатида **"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"**ги қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий жамият қуриш концепциясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва механизмларини аниқ белгилашга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ахборотдан ва энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилган.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси миллий ва хорижий экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида ўтказилган семинар ва давра суҳбатлари, халқаро конференция ва халқаро давра суҳбатлари якунлари бўйича қонунни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Қонун лойиҳасини тайёрлашда Австрия, Буюк Британия, Франция ва Германия сингари ривожланган демократик давлатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот очиқлигини таъминлаш тажрибаси ўрганиб чиқилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича ЕХҲТ Вакили Бюросидан, Нотижорат ҳуқуқи халқаро Марказидан (АҚШ) олинган тавсиялар ҳам инобатга олинди.

— Ҳуқуқий эксперимент нима? Умуман, унинг моҳияти ҳақида изоҳ берсангиз.

— Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари улар фаолиятидан кенг хабардор бўлишига йўналтирилган қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш бўйича асосли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Ҳуқуқий эксперимент — бу экспериментал ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини, фойдалилигини ва тежамлилигини текшириш ҳамда умумий амал қиладиган бўлғуси қонуннинг мақбул вариантларини пухта ишлаш учун чекланган географик ва вақт кўламида қонун лойиҳаси нормаларини апробациядан ўтказишдир. Қуйидагилар унинг асосий хусусиятлари ҳисобланади:

Биринчидан, ҳуқуқий экспериментдан фойдаланиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг демократик усулларидан бири ҳисобланади. Ундан халқаро амалиётда кенг фойдаланилади. Бу усулдан фойдаланиш жамият ва давлат қурилишининг реал юридик амалиёти билан бевосита боғлиқ, илмий асосланган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлиги ва самарадорлиги бўйича тавсиялар олиш имконини беради. Президент Фармойиши бир томондан, ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш учун янги имкониятлар очса, иккинчи томондан, қонун ижодкорлиги ташаббуси субъектларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига янги, истиқболли, демократик тамойилларга асосланган экспериментал усулни кенг жорий этиш учун асосни шакллантиради.

Иккинчи хусусияти шундан иборатки, ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига зарур ахборотни олишнинг кенг имкониятларини беради.

Маълумки, ахборот соҳасининг нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳуқуқий эксперимент давомида қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлашнинг тегишли механизмлари ишлаб чиқилишидан ва кейинчалик қонун лойиҳасида кенг акс эттирилишидан манфаатдор. Бу, шубҳасиз, давлат органлари раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати учун уларнинг масъулиятини оширади.

Учинчи энг муҳим жиҳати бу — давлатимиз раҳбарининг Фармойиши билан Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти учун алоҳида ҳуқуқий тартиб амалга киритилади. Бу уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишда фуқароларнинг ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтиради. Жумладан, ахборот сўровларини ва талабларини кўриб чиқиш, уларга тегишли жавоблар тайёрлаш муддатлари норматив мустаҳкамланади. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши, оммавий ахборот воситаларининг эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти, шунингдек, эксперимент ўтказиш субъектларининг мансабдор шахслари билан суҳбат ташкил этиш тўғрисидаги сўрови эса етти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Шунингдек, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотга бўлган сўровларни ёзма (шу жумладан, электрон) ва оғзаки шаклда, шунингдек, бевосита ўз вакиллари орқали юбориш ҳуқуқи мустаҳкамланади.

Тўртинчи хусусияти эса Ўзбекистонда фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда замонавий демократик тамойилларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилган. Шубҳасиз, ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ахборот соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Ҳуқуқий эксперимент давомида ушбу қонун лойиҳасининг амалдаги ахборот қонунчилигига ҳуқуқий мувофиқлиги масалалари ишлаб чиқилади.

Бешинчи жиҳат шуки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, амалга оширилаётган ҳуқуқий экспериментнинг ҳуқуқий механизмларини амалга ошириш тегишли технологик инфратузилма мавжуд бўлишини талаб этади. Бу жараёнлар мамлакат Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган "электрон ҳукумат" концепциясининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Олтинчи хусусияти. Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мураккаб ва кўп қиррали жараён. Ҳуқуқий эксперимент давомида ижтимоий муносабатларнинг бевосита ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган қисмигина апробациядан ўтказилиб қолмай, балки журналистларнинг касб одоб-аҳлоқи кодексларига ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган муносабатлар ҳам апробациядан ўтказилади.

Ва **еттинчи муҳим жиҳат** ҳақида тўхталадиган бўлсак, ҳуқуқий эксперимент давомида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаши бўйича, шу жумладан, ҳорижий мутахассислар ва экспертлар иштирокидаги социологик тадқиқотлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилади. Қонун лойиҳаси нормалари муҳокама қилинади ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланади.

— Акмал Холматович, ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш юзасидан бугунги кунда қандай чора-тадбирлар бажарилмоқда? Хусусан, мазкур жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва улар учун яратиладиган эркинлик ҳамда имкониятлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳуқуқий эксперимент вазифаларини самарали амалга ошириш учун ихтисослаштирилган интернет-сайт яратилади. Унда ҳар бир киши эксперимент амалга оширилишининг бориши билан танишиши, қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилишда қатнашиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари эса пресс-релизлар, бюллетенлар ва шу кабиларда эълон қилинадиган ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот материалларини жўнатишнинг автоматик режимида олишлари мумкин бўлади.

Мазкур жараёнда ОАВнинг эркин ва самарали иштироки ҳақида тўхталганда, аввало, давлатимиз раҳбари **"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"** қонун қабул қилиш зарурлиги ҳақида ғояни илгари сурар эканлар, ушбу қонун **"фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтириши"**га алоҳида урғу берганлигини эътироф этиш жоиз.

Эксперимент бориши давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишда жисмоний ва юридик шахслар учун янги имкониятлар яратилади. Булар нималарда акс этади? Жумладан, ўтказиладиган экспериментнинг самарадорлиги ва эксперимент ўтказиш субъектлари ўзининг ахборот очиқлигини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг баҳоларини олишга доир социологик тадқиқотлар олиб бориш имкони юзага келади. Шунингдек, очиқликни таъминлашда қонун лойиҳаси нормаларини муҳокама қилиш бўйича кенг жамоатчилик оммаси, хусусан, журналистлар учун конференциялар, брифинглар, матбуот анжуманлари ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш якунлари бўйича барча олинган натижалар пухта таҳлил қилинади. Улар асосида қонун лойиҳаси матнини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шу тариқа, ҳуқуқий эксперимент ҳуқуқий назария ва юридик амалиётни бирлаштириш шакли сифатида юзага чиқиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг "назарий жиҳати" ҳамда бир вақтнинг ўзида назарий билиш ҳуқуқий жараёнининг "амалий жиҳати" ҳисобланади.

Улуғбек АСРОРОВ,
"Туркистон-пресс" мухбири

Меморандум: Адлия вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлиги

"Бу одам бизнинг дадамиз эмас", дейишгач автомашина ўғриси қўлга олинди

РЕСПУБЛИКА ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари давлат миқёсида моддий-товар бойликларнинг қўриқланишини амалга оширувчи ягона ташкилот ҳисобланади.

ХУСУСАН, дастлабки йилларда қўриқлашнинг энг ривожланган тури қоровуллик саналар эди. Милиция қўриғи кам эди. Маълумки, қоровул қўриғининг техник таъминоти, ишончлилик даражаси ва самарадорлиги милиция қўриғига нисбатан анча паст. Шундан келиб чиққан ҳолда хизматни таркибий жиҳатдан қайта ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, босқичма-босқич қоровуллик таркибидан воз кечиб, қўриқлашнинг ишончли тури — милиция қўриғи кучайтириб борилди.

Қўриқлаш хизмати томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳам самарадорлиги ошди. Жумладан, ходимлар томонидан жиноят содир этишда гумондор сифатида ушланганлар сони ўтган йиллар давомида 2,2 баробарга, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ушланганлар сони эса 2 баробарга кўпайди.

Хусусан, Сирдарё вилоятида истиқомат қилувчи 1997 йилда туғилган фуқаро А.Г. Ўзбекистон давлат консерваториясининг концерт залидан 4-босқич талабаси С.Н.га тегишли, нархи 780 минг сўмлик "Самсунг" ўяли алоқа аппаратини ва банк томонидан берилган пластик карточкасини ҳамда 11600 сўмлик нақд пулларини яширин равишда олиб чиқиб кетаётган пайтида, шу ерда хизмат олиб бораётган Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан далилий ашёлар билан ушланган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Республика қўриқлаш бўлинмалари ходимлари объект ва хонадонларнинг ишончли қўриғини таъминлаш билан бир қаторда ички ишлар идоралари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш борасида олиб борилаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Натижада, қўриқлаш хизмати ходимлари ички ишлар идораларининг тегишли хизмат ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар давомида 845 та жиноятнинг олди олиниб, 840 нафар шахсни жиноят содир этишда гумондор сифатида ушлаб, ҳудудий ички ишлар идоралари навбатчилик қисмларига келтирди. Ушбу шахсларга нисбатан тергов идоралари томонидан 667 та жиноий иш қўзғатилди. Жумладан, Сирғали тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари белгиланган ҳудудда хизмат ўтаётган вақтда катта тезликда келаётган "Нексия" русумли автомашина бошқарувни йўқотиб, ғилдираклари бетон ариқчага тушиб кетади. Ходимлар ҳайдовчига ёрдам беришга шошилишганда, машина ичидаги икки нафар қизалоқ: "Бу бизнинг дадамиз эмас, у машинамизни ўғирлаб кетаяпти", деб қолишди. Қочишга уринган Ч.Б. шу ернинг ўзида қўлга олинади. Суриштирувда у бозорга кириб кетган ёш қизларнинг отаси Т.Ўразовга тегишли автомобилни олиб қочишга урингани аниқланди.

Кейинги йилларда МДҲга аъзо мамлакатларнинг қўриқлаш хизматлари билан узвий ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Алмати, Киев, Москва, Душанбе ва Боку шаҳарларида МДҲ мамлакатлари қўриқлаш хизмати раҳбарларининг учрашувларида республикамиз қўриқлаш хизмати вакиллари ҳам бевосита иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Булардан ташқари, мамлакатимизда илғор, замонавий қўриқлаш техника воситаларини амалиётга жорий этиш ва ишлаб чиқарилишини тарғиб қилиш мақсадида икки марта халқаро "Хавфсизлик" семинар кўргазмаси ташкил этилди.

Соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, хизматни янги шароитларда ўзига хос тарзда ташкиллаштириш борасида ҳам изчил изланишлар ва маълум ўзгаришлар қилинди. Бунинг натижасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ҳозирда хизматни замон талабларига мослаштириш борасида ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Фахриддин РАДЖАПОВ,
ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси бошлиғи ўринбосари, подполковник

Эксперт хулосаси йўқми? Рухсат олинмаганми? У ҳолда...

ЮРТИМИЗГА ташқаридан сифати кафолатланмаган товар-моддий бойликларни импорт қилиш бўйича аниқ ва самарали тартиблар ишлаб чиқилган бўлиб, бунда, энг аввало, ички ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмай, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган "ишбилармон"лар

ЯҚИНДА пойтахтимиз божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда божхона расмийлаштируви ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган йирик миқдордаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйди.

Тезкор маълумотлар асосида Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган хонадонлардан бири ўрнатилган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, хонадоннинг кириш йўлаги ва хоналарида хорижда ишлаб чиқарилган 135 турдаги канцелярия товарлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги аниқланди.

Дастлабки текширув чоғида юк эгаси Ж.Муродов қиймати 100 миллион сўмли ушбу товарларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатларини божхоначиларга тақдим қила олмади.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 5200 га яқин қонунбузарлик ҳолатида қиймати 60 миллиард сўмдан ортиқ товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Республикамиз ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ёки олиб кирилиши миллий ва халқаро қонунчиликка асосан йўлга қўйилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги **"Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида"**ги қарорига кўра, эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилмайди. Агарда, маданий бойликларнинг мамлакатимиздан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилиши зарурати бўлган тақдирда тегишли идора экспертларининг хулосаси ва рухсати билан амалга оширилади.

Шунга қарамай, айрим шахслар томонидан маданий бойликларимизни ҳеч қандай ҳужжатларсиз қиғир йўллар билан олиб чиқишга бўлган уринишлари учраб турибди. Яқинда ана шундай ҳолатлардан бири "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонидан фош этилди.

"Тошкент — Москва" йўналишидаги поездда кетаётган янгийўллик Н.Долидзега тегишли қўл юклари божхона назоратида ўтказилганда, божхона баённомасида қайд этилмаган ва оғзаки сўровда маълум қилинмаган 99 дона ҳар хил ёзув ва ўлчамдаги, XVIII — XX асрларда Чор Россияси ва Англия қироллиги ҳудудида муомалада бўлган кумуш ва бошқа металлардан ишланган қадимий тангалар ҳамда етти дона XIX — XX асрларга дахлдор қадимий орден ва медаллар борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Бадиий экспертиза бошқармасининг хулосасига кўра, юқорида айтиб ўтилган танга ва медаллар қадимий аҳамиятга эга бўлиб, уларни Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги **"Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"**ги Қонунининг 8-моддасига асосан республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тақиқланади.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилда ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 131 та қонунбузарлик ҳолатида 2,5 минг донага яқин турли ноёб тарихий ва маданий бойликларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Ижтимоий реклама ва эълонлар

Давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари, банклар, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2012-2013 ўқув йилида битирувчиларни республика бўйича вилоятлар кесимида жойлашувини тақдим этади. Малакали ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёжи бор бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари йўлланма бўйича ишга юборилишини сўраб, қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 233-14-51, 8 (371) 233-60-92, Факс: (371) 233-37-48, (371) 236-15-23 , E-mail:tsil_devonxona@mail.ru
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Тошкент давлат юридик институти.

2012-2013 ўқув йили битирувчилари тўғрисида маълумот

	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар)		Битирувчилар сони	шу жумладан		Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони														
	коди	номи		грант	контракт	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вилояти	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри	Бошқа давлатлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
Бакалавриат																				
1	5240100	Юриспруденция	481	130	351	6	39	40	15	32	22	33	34	19	26	37	37	59	82	0
Магистратура																				
1	5А240101	Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви (соҳалар бўйича)	36	5	31	1	2	1	1	1	1	2	5	1	3	0	2	2	14	0
2	5А240102	Хўжалик ҳуқуқи (соҳалар бўйича)	17	3	14	0	3	1	0	0	0	0	0	1	1	1	2	1	7	0
3	5А240103	Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ	17	2	15	1	0	1	0	1	1	1	1	0	0	1	0	0	10	0
4	5А240104	Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси	41	6	35	3	2	3	1	0	0	2	1	1	3	1	1	5	18	0
5	5А240105	Халқаро ҳуқуқ (йўналишлар бўйича)	14	2	12	0	1	2	0	1	0	2	0	0	2	0	2	0	4	0
		Институт бўйича жами	606	148	458	11	47	48	17	35	24	40	41	22	35	40	44	67	135	0

Эслатма: Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар мурожаат қилган ташкилотларга қўшимча равишда тақдим этилади.

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 15 апрелдаги №100-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "NORTON LEGAL" адвокатлик фирмасининг адвокати Юрьева Лилия Юрьевнага 2009 йил 24 июнда берилган TN №001040 рақамли лицензиясининг ва 2009 йил 15 июлда берилган 895-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 15 апрелдаги №99-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL-SIT HUQUQ" адвокатлар ҳайъати адвокати Чариев Ташмамат Уразович вафот этганлиги сабабли Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 21 октябрда берилган TN №001309 рақамли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 9 апрелдаги 73-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Юлдашев Мухаммаджон Юнусжонович Самарқанд шаҳридаги "Боғишамол" адвокатлар ҳайъатига ишга қабул қилинганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 12 апрелдаги 4-сонли қарорига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 12 апрелдаги 110-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Фарғона адвокат сервис" адвокатлар ҳайъати адвокати Гайнназаров Аббарали Исраиловичнинг (лицензия 03.06.2009 йил FE №000073, адвокатлик гувоҳномаси №260, 30.01.2013 й.) адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Тизим тадбирлари

Тажриба-синовдан ўтказилади

Унинг натижасига қараб...

БУХОРО ВИЛОЯТИДА Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши ижроси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

ТАЪКИДЛАШ КЕРАККИ, ҳозирда **"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси тайёрланган бўлиб, уни тажриба-синовдан ўтказиш мақсад қилинган.

Мазкур Фармойишда **"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"**ги қонун лойиҳасининг принципларига, қоидаларига амалий жиҳатдан ишлов бериш, унинг ҳокимият ва бошқарув тузилмалари субъектлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга доир нормалар самарадорлигини баҳолаш назарда тутилган.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари сўзга чиқиб, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикр юритдилар. Хусусан, адлия бошқармаси бошлиғи А.Халилов мазкур Фармойиш ва қонун лойиҳасининг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари орасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ОАВ билан биргаликда кенг жамоатчилик орасида учрашувлар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатлари, ўқув-семинарларини ташкил этиш ўз самарасини бериши таъкидланди. Мазкур қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизимида барқарор фаолият юритиши учун бир неча таклифлар киритилди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармасининг веб-сайти иштирокчилар эътиборига ҳавола қилиниб, ундаги бўлимларга бирма-бир изоҳ берилди. Мақсад, бошқарма фаолиятининг очиқ-ошкоралиги, фуқаролар ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари билан ўзаро алоқани янада кенгайтиришдир.

Йиғилиш сўнгида қонун лойиҳасини амалга кенг татбиқ этиш ва бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Замон генетикасига кўра

қариндошлар никоҳи номақбулдир

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан ФҲДЁ бўлимлари мудиралари билан ҳамкорликда жойларда турли хил ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

ШУНДАЙ тадбирлардан бири Булоқбоши педагогика ижтимоий иқтисодиёт коллежида ёшлар ҳамда маҳалла маслаҳатчилари иштирокида ташкил этилди.

Такидланганидек, Оила кодексида насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Зеро, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Бироқ, яқин қариндошлар ўртасидаги шаръий никоҳлар оз бўлса-да ФҲДЁ бўлимларига мурожаат қилинмасдан яширинча қайд этиш ҳолатлари учраб турибди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, агар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга қатъий риоя қилиниб оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигини, қолаверса, келажагимиз ворисларини соғломлаштиришга ҳисса қўшган бўлади.

Тадбирда мутахассислар томонидан оила қонунчилиги, никоҳ тузиш тартиблари, эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида аниқ мисоллар орқали иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ўқув-машғулот

Нодир ва бетакрор ёдгорликлар

мозийдан хабар беради



МИСР эҳромлари, Тожмаҳал, Эйфель минораси, Италиядаги Колизей, Буюк Хитой девори, Перудаги улкан ҳайкаллар каби инсон қўли билан яратилган бетакрор, ноёб меъморий ёдгорликлар кишини ҳайратга солмай қўймайди.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, жаҳон жамоатчилиги ана шундай нодир ва бетакрор ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш масаласига эътибор қаратди. 1983 йилда БМТ томонидан 18 апрель — "Халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш куни", деб белгиланиши ҳам юқоридаги эътибор намунасидир. Адлия вазирлигининг навбатдаги ўқув-машғулоти ана шу санага бағишланди.

— Бизнинг тарихий обида ва маданий ёдгорликларимиз халқимизнинг ўтмишини ўзида мужассам этган миллий қадриятларимиз намунаси, ватандошларимизнинг бебаҳо мулкидир, — дея таъкидлади машғулот меҳмони Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг бошлиғи Равшан Мансуров. Шунингдек, маърузачи юртимиздаги юзлаб кўҳна ва бетакрор обидалар асрлар давомида жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётгани, шу боис уларни ўрганиш, муҳофаза қилиш, келажак авлодга бусбутун етказиш айни кундаги муҳим вазифалардан бири эканлиги хусусида тўхталиб ўтди.

Келажак авлодларга мозийдан хабар берувчи тарихий обида ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, ушбу маданий меросларга қалбимизни фахр-ифтихор туйғусига тўлдириб, муқаддас она заминимизга муҳаббатни, ўтмишга дахлдорлик ҳиссини шакллантиради.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Янги маскан

Бахт кошонаси

оила мустаҳкамлиги учун хизмат қилади

ПСКЕНТ туманида яна бир муҳташам сарой, аҳолининг шодиёна кунлари, ҳар томонлама соғлом ва мустаҳкам оила шаклланишига хизмат қилувчи янги ФҲДЁ биноси ишга тушди.

ЮРТИМИЗ гўшасининг кўркига кўрк қўшган икки қаватли бино замонавий услубда қурилган бўлиб, нафақат ёш келин-куёвлар, балки туман аҳолиси ва ёшларининг тиббий маданияти, маънавий-ахлоқий билими ҳамда дунёқарашини ошириш учун барча зарур бўлган шарт-шароитларга эга.

Бу ҳақда маънавий-маърифий ишлар бўйича туман хотин-қизлар маслаҳатчиси Мукамбар Қиличхонова шундай дейди:

— Олдинги ФҲДЁ бўлими биноси тор ва ҳозирги турмуш даражамизга монанд эмас эди. Янги бино шинам, кенг бўлиб, унда алоҳида тиббий кўрик ва маънавият хонаси, "Оила маркази", ўсмир йигит-қизларнинг тиббий маданиятини оширишга мўлжалланган кутубхона, ҳатто, "қайнона-келин" ва бошқа турли маънавий-маърифий мавзудаги семинар-машғулотлар учун махсус безатилган зал мавжуд. Янги ФҲДЁ биноси яқиндагина ишга тушган бўлишига қарамай ёшлар билан доимо гавжум. Айниқса, бу ердаги "тиббий кўрик" қисқа фурсат ичида барча оиланинг яқин ва ишончли маслаҳатчисига айланиб улгургани қувонарли ҳол.

Шу ўринда ватанимизда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари Пскент туманида бўлиб, обод турмуш тарзимизга юқори баҳо беришганини алоҳида фахр-ифтихор билан таъкидлаб ўтишни истардим.

Насиба РАСУЛОВА, Пскент тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти

Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сирғали туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Чилонзор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Юнусобод туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти

Асака туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Улуғнор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Фарғона вилояти

Ёзёвон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Денов туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри

Шайхонтоҳур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 22 май)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

МАЪЛУМКИ, обод турмуш шароитини яратишга маънан ва жисмонан соғлом, аҳлан етук кишилар қодирдир. Обод турмушнинг энг муҳим шарти — инсон саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Зеро, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, ҳар бир давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан саналади.

ШАХС соғлигининг бузилишига сабаб бўладиган қилмишлардан бири ўзида таносил касаллиги борлигини билган шахс томонидан шу касалликни бошқа кишига юқтиришдир.

Таносил касалликларига турли-туман омиллар, ўз белги ва хусусиятлари билан кечувчи юқумли жараёнлар киради. Ушбу касалликлар табиатида битта умумийлик бор, яъни бу касалликлар асосан юқиш орқали кўпаяди.

"Венерик касалликлар", яъни "таносил касалликлари"ни ўрганувчи "венерология" фанида 20 дан ортиқ шу гуруҳга кирувчи турли касалликлар маълум ва улар асосан бўса, идиштовоқдан фойдаланиш, жинсий алоқа орқали юқади.

Ушбу касалликнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, агар касаллик илк даврида аниқланса, уларнинг асоратларидан инсон ҳоли қолади, даволаниш сифатли кечади. Аммо касалликлар кеч аниқланса ёки авлодларга ўтса, албатта, бу ҳолатларда беморни буткул ва асоратсиз даволашнинг иложи йўқ. Вируснинг одам организмига тушиши кўриш қобилиятини сусайтиради, бепуштликка сабаб бўлади ва бошқа салбий асоратларни келтириб чиқаради.

Беморларнинг бошқаларни зарарлашлари долзарб ижтимоий муаммодир. Касалликка чалинганлар психологиясини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар кўпинча ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам соғлиги ҳақида қайғурмайдиган бўлиб қолади. Баъзилари икки ва ундан ортиқ таносил касалликларига чалиниб, ушбу касалликни умр бўйи ўзи билан олиб юриши ва бошқаларга ҳам юқтириш ҳолатлари кузатилади.

Ушбу касалликларни тарқатишнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, Жиноят кодексининг "Ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятлар" бобида алоҳида моддада жавобгарлик белгиланган.

Ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятлардан бири таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш бўлиб, ушбу қилмишни содир этган шахслар Жиноят кодексининг 113-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилади. Унга кўра, таносил ҳамда ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтирганлик бир моддада, яъни Жиноят кодексининг 113-моддаси, 1,2,3-қисмларида — таносил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш ва тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, ушбу моддани 4 ва 5-қисмида юқтирганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатганлик учун жавобгарлик Жиноят кодексининг бир моддасида қамраб олиниши ушбу жиноятларнинг объектив томони, яъни ҳар икки ўзгача касалликни юқтириш усулларининг ўхшаш ва бир хил эканлиги мезонидан келиб чиқилган.

Хавф

Ўйламай босилган қадам...

ёхуд касаллик тарқатишнинг жиноий жавобгарлиги хусусида

Бироқ тиббиёт нуқтаи назаридан ОИВ касаллиги/ОИТСга чалинган беморларни ушбу касалликдан бутунлай қутқариш, уларни тўлиқ даволаш имкони мавжуд эмас. Касалликка чалинган бемор организмида турли касалликлар ва ташқи таъсирларга қарши ички курашиш қобилияти — иммунитетнинг пасайиб кетиши ва оқибатда бутунлай йўқолишига сабаб бўлади. Шундай экан, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ОИВ касаллиги/ОИТСни бошқа шахсга юқтириш хавфи остида қолдириш ёки уни юқтириш таносил касаллигини бошқа шахсга юқтириш хавфи остида қолдириш ёки уни юқтириш жиноятидан ижтимоий хавфлилиги юқорилиги билан фарқланади.

Фикримизча, жиноят ҳуқуқининг умумий принципларига таяниб, юқоридаги икки турдаги касалликни юқтирганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи норма ижтимоий хавфлилик даражасига кўра алоҳида ажратилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Хорижий мамлакатлар, жумладан, Озарбайжон, Беларус, Грузия, Арманистон, Россия ва бошқа давлатлар тажрибасида таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатганлик учун жавобгарлик алоҳида моддаларда белгиланганлигини кўриш мумкин.

Фикримиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун, мисолларга мурожаат қилсак:

Султон Азизов (исм-шарифи ўзгартирилган) шифохона бош врачи лавозимида ишлаб ўзи раҳбарлик қилган шифохонада умумий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш юклатилган бўлса-да, шифохона шифокорлари ва ишчи-хизматчилари томонидан меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда санитария-гигиена хавфсизлик қоидаларига етарлича риоя этилмаганлиги натижасида шифохонада даволанган болаларга ОИВ инфекцияси юқишига сабабчи бўлган. Натижада, 7 нафар бола ҳаётдан кўз юмган.

Суд ҳукмига кўра, Султон Азизов ва бошқалар Жиноят кодексининг 113-моддаси 4-қисми, 116-моддаси 4-қисми "а" ҳамда "б" бандлари ва бошқа моддалари билан айбдор, деб топилган.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги касалликларнинг олдини олишда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масаласига эътибор қаратиш оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни профилактика қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Саломат НИЁЗОВА, ТДЮИ доценти

Хўжалик суди амалиётидан

Нақд пул маблағларини банкка топширмаслик

тушумни яшириш, деб баҳоланади

БАРЧА чакана савдо корхоналари, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг тушган нақд пул маблағларини ҳар куни банк муассасаларига топширмаслиги тушумни яшириш, деб баҳоланади.

ИШНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти шаҳар бўлими томонидан қўзғатилган 61/11-26-сонли жиноят иши юзасидан Департамент шаҳар бўлимининг 2011 йил 28 мартдаги "Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида"ги қарорига, Департамент вилоят бошқармасининг 2011 йил 4 апрелдаги 243-ТВ-сонли, 2011 йил 28 апрелдаги 281-ТВ-сонли ва шаҳар давлат солиқ инспекциясининг 2011 йил 4 апрелдаги 026-хс-сонли бўйруқларига асосан МЧЖнинг фаолиятида бухгалтерия ҳужжатларининг тўлиқ олиб борилиши, солиқлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида давлат бюджетига тўланиши, бюджет ва молия қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилган.

Текширишда жамият томонидан 2012 йил март ойида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тушган 2769000 сўм нақд пул тушумлари кирим қилинмаганлиги ва банк муассасасига топширилмаганлиги, ушбу нақд пул маблағлар автотранспорт воситаларига ёнилғи олиш учун сарфланганлиги аниқланган. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган барча ҳужжатлар аризачи томонидан жавобгарга топширилган, текшириш тартиби ва қоидалари текширувчилар томонидан бузилмаган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш мақсадида солиқ текшируви материаллари 2011 йил 26 майда солиқ органи томонидан кўриб чиқилиб, давлат солиқ хизмати органининг 2011 йил 26 майдаги "Ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан жамиятга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 2769000 сўм молиявий жарима ҳисобланиб, жаримани ихтиёрий тўлаш ҳақида солиқ тўловчига талабнома берилган.

Жамият томонидан ушбу молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли, аризачи — шаҳар давлат солиқ инспекцияси жавобгар — жамиятга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 2769000 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраб, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

АРИЗАЧИНИНГ ВАЖЛАРИ

Жамият 2012 йил март ойида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тушган 2769000 сўм нақд пул тушумларини кирим қилмаганлиги ва банк муассасасига топширмаганлиги, ушбу нақд пул маблағларини автотранспорт воситаларига ёнилғи олиш учун сарфлаганлиги сабабли ушбу ҳолат тушумни яшириш ҳисобланади, деб кўрсатган.

ЖАВОБГАРНИНГ ФИКРИ

Жамият 2012 йил март ойида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тушган 2769000 сўм нақд пулларни автотранспорт воситаларига ёқилғи олиш учун сарфлаганлиги сабабли ушбу ҳолат тушумни яшириш ҳисобланмайди, деб кўрсатган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳолатлар тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва текшириш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топганлиги сабабли арз қилинган талабни қаноатлантириб, жамиятга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси, биринчи қисмига асосан 2769000 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаган.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда низонинг моҳиятини аниқлашда қатор ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"**ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу моддани қўллаш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш), деб товарлар (ишлар, хизматлар), реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги; товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларнинг алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги; ҳисобда реализация қилинмаган, деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги эътироф этилади.

Шунингдек, Президентимизнинг 1996 йил 9 августдаги **"Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони 3-бандининг бешинчи хатбошисига мувофиқ барча чакана савдо корхоналари, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг тушган нақд пул маблағларини ҳар куни банк муассасаларига топширмаслиги ҳам тушумни яшириш, деб баҳоланади.

Жамият томонидан 2012 йил март ойида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан тушган 2769000 сўм нақд пул тушумлари кирим қилинмаган ва банк муассасасига топширилмаган, ушбу нақд пул маблағлари автотранспорт воситаларига ёнилғи олиш учун сарфланган. Аммо жамият нақд пул тушумини банк муассасасига топшириб, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси билан шартнома тузган ҳолда ёнилғи ҳақини уларнинг банкдаги ҳисобварағига тўлов топшириқномалари асосида ўтказиб бериши лозим эди.

Жамият томонидан нақд пул маблағларининг банкка топширилмаслиги натижасида ушбу пул маблағлари корхонанинг даромади сифатида бухгалтерия ҳужжатларига кирим қилинмаган. Натижада, тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланмаган. Бу билан жамият нақд пул тушумини яширган.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди назорат қилувчи органнинг аризасидаги талабни қаноатлантирган.

2013 йил – "Обод турмуш йили"

Мақсад бор жойда

масъулият ҳам бўлади

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари яхши йўлга қўйилди. Фикримизнинг исботи тариқасида айрим мисолларга эътибор қаратсак. Наманган тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Сурайё Мамадалиева тадбиркорлик фаолиятига қўл уриб, ўзининг "Зарнигор ширинликлари" хусусий корхонасини ташкил этди. Энг эътиборлиси, ОАТБ "Микрокредитбанк"нинг туман филиалидан 8 миллион сўм кредит олиб, ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантирди, ҳам тенгдошларидан 5 нафарини доимий иш билан таъминлади. Косонсой туманидаги Қуқимбой озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ёқубжон Абдуллажонов ҳам ана шундай шижоаткор, юртимиз равнақига ҳисса қўшишни дилига тукканёшлардандир. У банкдан берилган 1 миллион 800 минг сўмлик имтиёзли кредит эвазига сартарошхона ташкил этиб, аҳолига маиший хизмат кўрсата бошлади. Сурайё ва Ёқубжоннинг тенгдоши Дилноза Турсунова эса Наманган тумани педагогика коллежини тамомлагач, тикувчилик цехини ташкил қилиб, ёш тадбиркорга айланди. Бунинг учун унга банк томонидан 3 миллион 900 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баркамол авлод тарбиясида никоҳ олди тиббий кўрик, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш каби вазифалар энг муҳим омил саналади. Қолаверса, бу миллатни жипслаштирувчи, наслни покловчи, кучли давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти ҳамдир. Масалан, тиббий кўрик фақат никоҳланувчиларнинг шахсий иши эмас. Унинг замирида буюк келажак соҳиби бўлмиш янги авлод тақдири ётади. Демак, давлат ва миллат тақдири оилада куртак ёзади. Шу боис бўлажак эр-хотинни тиббий кўрикдан ўтказмай туриб, соғлом оила, соғлом фарзанд туғилиши хусусида фикр юритиш мумкин эмас. Аммо айрим ота-оналар мол-дунё, орзу-ҳавасни, деб ҳали фарзандлари оила қуришга тайёр бўлмаса-да, тўйни тезлатишади. Тўй кунини ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ўзларича белгилашади. Натижада, икки ёшнинг қонуний никоҳи ва тиббий кўрик тўйдан кейинга сурилади ёки бутунлай қолиб кетади. Агар келинкуёв соғлом бўлса, нур устига аъло нур. Лекин борди-ю, тиббий кўрикда уларнинг бирор-бир жиддий касаллиги аниқланса-чи? Унда қудаанда ўртасида турли гап-сўзлар пайдо бўлиши табиий.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятимизда шаръий никоҳ асосида яшаб келаётган 246 та оила аниқланиб, уларнинг қонуний никоҳи расмийлаштирилди. Шунингдек, 6868 нафар никоҳланувчи тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳамюртларимизга қонуний никоҳнинг афзаллигини тушунтириш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ҳамда шу орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тиббиёт ходимлари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларимиз ҳамда ФҲДЁ бўлимида ҳар ойда икки маротаба ўтказилаётган "Оила дорилфунуни", касб-ҳунар коллежларида ташкил этилаётган "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув-машғулотларимиз самарасидир. Мақсадимиз ҳеч кимнинг гулдек оиласи бузилмасин, тинч-тотув ҳаётига путур етмасин.

Кабира ТАЛАПОВА,
Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 апрелдаги 31-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "ADVOKAT SERVIS PLYUS" адвокатлик фирмаси адвокати Ахмедов Шерзод Сафаровичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 21 мартда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 апрелдаги 30-ум-сонли буйруғига асосан вилоятдаги "NAMANGAN ADVOKATLAR HAY'ATI" адвокатлар ҳайъати адвокати Мирзаахмедов Шерзод Илҳомовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 4 февралда берилган NA 000120-сонли лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Мулоҳаза

Эртак ва мультфильмлар

кичкинтойлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади

ОДАТДАГИДЕК эрталаб боғча эшигидан киришим билан хорижий мусиқанинг садоси эътиборимни тортади. Болакайлар бу тушунарсиз мусиқага рақсга туша бошлаётган бўлишади. Бунинг сабабини улар чет тилларини яхши ўқиб, ўрганишлари учундир, деб ўйладим.

Ҳар бир бола боғча ёшиданоқ яхши таълим-тарбия олса, мактаб ва олий ўқув юртларида илм олишида қийинчиликларга дуч келмайди. Боғча тарбиячилари болажонларга кўпроқ эртаклар айтиб беришса ва уларни турли ақлни чархловчи ўйинлар билан машғул қилишса, янада фойдалироқ бўларди, назаримда.

Қўшнимнинг қизи уч ярим ёшда. У эртак ва шеърларни эшитиши биланоқ ёд олишга ҳаракат қилади. У айтаётган шеър ва қўшиқлар ўз ёшига мос бўлса, бу яхши, аммо уларнинг маъносини англамай, хиргойи қилиши кишини ташвишлантириши табиий. Йўлда кетаётиб, **"Ота-онанг сўзларидан чиқолмай, севгилингдан ўзгасига бойландинг..."**, деб қўшиқ айта бошлади.

— Қизалоқ, севги бу нима, деб савол бердим унга.

— Билмадим, — жавоб берди, у.

Онаси эса кулганича:

— Бунга эътибор берманг, ўзи шунақа, ҳамма қўшиқни билади, лекин маъносини тушунмайди, — деди бефарқларча.

Албатта, лоқайдлик қизалоқнинг дунёқарашига ўз изини ўтказмай қолмайди, дея айта олмаймиз. Ҳар бир инсон ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб туриши керак. Шунинг учун ҳам оилада ота-она боласининг қизиқишларига лоқайд бўлмаслиги лозим.

Боғча ёшидаги болалар кун давомида фақат телевизор кўриб ёки мусиқа эшитиб эмас, балки турли ўйинчоқлар ўйнаш билан ҳам банд бўлишади. "Кубик-рубик", "Лего" каби ўйинлар нафақат болалар онгини ўстиради, балки уларни ранг ажратиш қобилиятини тўғри шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Чет элнинг "Барби", "Синди" қўғирчоқлари ўрнига ўзимизнинг миллий кўйлакдаги, сочлари ўрилган "Барчиной", "Зумрад ва Қиммат", белида белбоғи, бошида дўпписи бор ўғил бола қаҳрамонларимиздан "Алпомиш", "Рустами достон" каби қўғирчоқлар дўконларимизда кўпроқ бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Президентимиз **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарида таъкидлаганидек: **"Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади".**

Дугонам фарзандининг эрталабдан кечгача ойнаи жаҳон олдида мультфильм томоша қилишидан нолиб қолди. Мен унга фарзандининг ёшига мос бўлган китобларни совға қилишни маслаҳат бердим. Дугонам ҳар сафар қўнғироқ қилганида менга раҳмат айтади. Чунки унинг фарзанди китобларга қизиқиб кетганини, расмларини мароқ билан томоша қилиб, ўзи мустақил ҳикоя қилиб беришни ўрганганини гапирди.

Таъкидлаш жоизки, ота-оналар учун "ойнаи жаҳон" орқали эфирга узатилаётган маънавий-маърифий кўрсатувлар айни муддао бўлмоқда. Якшанбадан ташқари ҳар куни "Yoshlar" телерадиоканалида соат 20:50 да "Эртакчи болажонлар" кўрсатуви намойиш этилади. Бугунга келиб ушбу кўрсатув ўз мухлисларини топа олди. Кўрсатув бошловчилари Билағон ва Ойдиной галма-галдан дастурни олиб боришади. Улар эртакларни тенгдошлари учун тушунарли тилда айтиб беришади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ҳам болажонларнинг хорижий тилларни чуқур ўрганишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирда бу кўрсатувда қўйилаётган мультфильмларнинг инглиз тилида намойиш этилаётгани ҳам ўз самарасини беради, деб ўйлаймиз. Бу каби кўрсатувлар янада кўпайиб, бошқа телеканалларда ҳам мунтазам намойиш этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Телевидение орқали чет эл мультфильмларидан намуналар бериб борилаётгани яхши. Барча телеканалларимизда халқимизнинг миллий урф-одат ва қадриятлари сингдирилган ўзбек мультфильмлари кўпроқ ўрин олса, болажонларимиз учун янада фойдали бўларди.

Бундай мультфильмлар болалар дунёқараши ривожланишига, энг муҳими, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини ўстиришга хизмат қилади.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Одам савдоси – аср муаммоси

Тўрга тушган "ўлжалар"

"узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши"лигига амин бўлдилар



ИНСОН ҳаёти давомида билиб-билмай хато қилади. Ачинарлиси, унинг хатолари, нафақат ўзи, оиласи, балки келажаги ва шаънига ҳам умрбод доғ бўлиши мумкин.

Бундан беш-ўн йил муқаддам чет элга иш излаб кетган фуқароларнинг аксарияти одамфурушлар қўлига тушиб, оғир шароитларда яшашга мажбур қилиниб, қулдай ишлатилганлиги, бундан-да ачинарлиси, улар меҳнат ҳақлари-ю фуқаролик паспортларини ололмасдан сарсон-саргардон бўлганликлари каби ҳолатлар ҳақида тез-тез эшитардик. Бу ҳақда ОАВ орқали ҳам бот-бот турли материаллар бериб борилган. Шу билан бирга, бундай ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонунида ушбу жиноятга қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳамда бу иллатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилган.

Шунга қарамасдан, юртдошларимиз орасида ушбу жиноят қурбонлари ҳануз учраб турибди. Уларни ўз нафси йўлида "қурбон" қилаётганлар ҳам бегоналар эмас, юртдошларимиздир.

Ўз манфаати йўлида танишларини сотишдан ҳам тоймайдиганлардан бири Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Акмал Иброҳимовдир (исм-шарифлар ўзгартирилган). "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деганларидек Акмал одамларнинг ишончига кириб, ўзининг хийла-ю ёлғонларига ишонтиришда устаси фаранг экан. Бўлмаса қишлоқдошлари унинг гапларига "лаққа" тушиб қолишармиди?!

Қўшработлик Эркин ва Зоҳид Ҳамидовларнинг чет элда ишлашга иштиёқи борлигини эшитган Акмал шу заҳоти улар ёнига югурди. Ака-укаларга Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида "яхши" иш борлигини, хоҳласа биргаликда ишлаб келишини айтиб, уларнинг ичига "чўғ" ташлади. 400-500 АҚШ доллари миқдорида маош беришини эшитган оғайнилар, ўзларича хомчўт қилиб, тезда йўл тараддудини кўришди.

Меҳнатдан бўйин товламайдиган, зуваласи пишиқкина йигитларни тузоғига илинтирган Акмал ҳамқишлоқларининг ота-оналаридан розилик оларкан, уларнинг қўйнини ҳам турли ваъдалар, пуч гаплар билан тўлдирди. Сафарга отланган ака-укаларни Акмал Қозоғистон ҳудудига ноқонуний айланма йўллар орқали олиб ўтадиган бўлди.

Манзилга етиб келгач, уларнинг паспортларини олиб, қозоқ шеригига топшираркан, ҳар 15 кунда хабар олгани келишини айтиб, жуфтакни рослади.

Йигитлар шу куннинг ўзидаёқ қурилиш ишларини бошлайди. Эрта-ю кеч меҳнат қилиб толиққан йигитлардан хабар олишни Акмал аллақачон унутган. Маошдан эса дарак йўқ... Чорасиз қолган ака-укалар "хўжайин"дан маошларини талаб қилишганида, у иш ҳақларини Акмал билан келишиб, унга бериб қўйганлигини айтади. "Олисдан қуйруқ излаб" хорлик топган йигитлар шу тариқа 5 ой оғир меҳнат қилиб, қурук қўл билан уйига қайтиб келишади.

Шунингдек, Акмалнинг навбатдаги ёлғонлари тузоғига тушган К.Бегимовнинг аҳволи ҳам уларникидан қолишмас эди. У Шайхонтоҳур туманида жойлашган "Эски жува деҳқон бозори" ёнидаги бекатда бу хийлагарга дуч келди. Ўшанда вақтинча ишсиз юрган Камол унинг таклифини ҳеч ўйлаб ўтирмасдан қабул қилганди. Бироқ у ҳам бегона юртда фуқароларнинг уйини таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариб, эвазига ҳақини ололмай қайтади.

А.Иброҳимовни қидириб, у ёқда ака-укалар, бу ёқда К.Бегимов уйига бир неча бор йўқлаб борди. Бироқ ҳар гал иш ҳақини бермаслик мақсадида турли баҳоналар тўқиётган Акмалнинг айёрона қилиқларидан чарчаган ва қатнайвериб сарсон бўлган жабрдийдалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишдан бошқа чоралари қолмади.

Шундан сўнг, нафсини ўз ҳамюртларидан устун қўйган А.Иброҳимов қонуний жазога тортилди.

Шу ўринда яна бир бора юртдошларимизни огоҳликка, хушёрликка чорламоқчимиз. Зотан, ўзга юртлардан мўмай даромад излаб, охир-оқибат хору зорлик жабрини тортгандан кўра, давлатимизда яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, меҳнат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шукурулла ИНОҒОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 9 апрелдаги 50-ум-сонли буйруғига асосан "VOTUM NUKUS" адвокатлик бюроси адвокати Еримбетов Базарбай Алданазвичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва адвокатлик мақомининг амал қилиши тикланди.

Қарши шаҳридаги "Альянс" адвокатлик фирмаси адвокати Раҳмонов Бахтиёр Якубжоновичга Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 июнда берилган KS 000085-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши вилоят адлия бошқармасининг 2013 йил 9 апрелдаги 49-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Реклама ўрнида

Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи

энг яхши банк

КАПИТАЛ ва активлар ҳажми жиҳатидан Ўзбекистонда йирик банклардан бири бўлган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қаратилган "Инқирозга қарши дастур" ижросини таъминлаш, шу асосда узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга интилиш орқали юқори рақобатбардош, ички бозор ва экспорт талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган мижозларга ва хорижий ҳамкорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банк жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга интилган ҳолда, ўз олдига, мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламларига таклиф этилаётган банк хизматлари ва маҳсулотлари турларини кенгайтириш вазифасини қўйган бўлиб, шу мақсадда ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиқиб, асосий эътиборни кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қаратмоқда.

Банкнинг барқарор ривожланишига банк фаолиятига замонавий банк технологияларини кенгроқ ва жадал жорий этиш, мижозларга таклиф этилаётган банк хизматлари ва маҳсулотларининг тезкорлиги ҳамда юқори сифатлилиги орқали эришилмоқда.

Бунинг натижасида банк жами активлари 2013 йил 1 апрель ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54,19 миллиард сўмга ўсди ва 3 852,7 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банк жами капитали 107,75 миллиард сўмга ўсди ва 620,16 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банк мижозлари сони мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Дарҳақиқат, ўтган даврда банк мижозлари сони 98,1 минг нафарга ошди ва 1 194,5 минг нафарни ташкил қилди.

2013 йил 1 апрель ҳолатига банк кредит қўйилмалари ва лизинг хизматлари ҳажми сўм эквивалентида 1 869,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли кредитлар ҳажми 1 564,8 миллиард сўм бўлиб, шундан 1 345,6 миллиард сўми инвестицион кредитлардан иборатдир.

2013 йил 1-чораги мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ривожлантириш учун 202,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди, бунинг натижасида 7,7 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига кенг шароитлар яратиш "Асака" банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳага "Асака" банк томонидан 2013 йил 1-чораги мобайнида 172,9 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. 2013 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга банк томонидан 684 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Мижозларга кўрсатилаётган юксак даражадаги банк хизматлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, 2013 йил 10-11 апрель кунлари пойтахтимиздаги Кўргазмалар савдо марказида ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VI-йиллик "Bank-Expo-2013" миллий кўргазмасида "Асака" банк **"Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк"** номинациясида ғолиб, деб топилди. Бу эса, "Асака" банк жамоасини янги марралар сари янада илдам одимлашга илҳомлантиради.

"Асака" банк жамоаси жорий йилда мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, шу жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

Банк Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13¹-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 3 апреллдаги 95-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳридаги "Ҳуқуқ мезони" адвокатлик фирмаси адвокати бўлган Умматова Мавлудахон Қодировна, Турдуматов Адаҳамжон Полатжанович, Жалилов Рузиали Абдуллаевич, Розиков Салоҳиддин Мамасодиқович, Очилов Алишер Машрапович, Солиева Нилуфар Қушақбоевна, Малабаев Жамшид Ариджонович, Охунова Зилолахон Хасановна, Хужахонов Журабек Исахужаевичларнинг адвокатлик мақоми 3 ой муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази Қонун ҳужжатларига юридик ишлов бериш бўлими бошлиғи **Шокир МАТЁҚУБОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти адлия бошқармаси жамоаси Учқўрғон туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Миножатхон Шоназаровага онаси **Эътиборхон ШОНАЗАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
1996 йилнинг январидан нашр этилади
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6947. Тиражи — 22673.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5